

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№110 — 111

(2530 — 2531)

1992 йил

9 ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ

Бугунги сонда

2-бет
Қатъият муваффақият гарови

3-бет
Муаммолар ечим кут-
моқда
4-бет
Илиқ оқшомлардан
бирида

5-бет
Ялламадаги қотиллик
6-бет
Гонконгдан
жўнатилган тобут

7-бет
Зангори экранда

танишишингиз
мумкин.

Марҳумлар руҳини шод этиб...

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида ҳамда оператив вазиятдан келиб чиққан ҳолда махсус ишлаб чиқилган режага кўра Тошкентда 20 ноябрдан "Комплекс" шартли номи остида мақсадли олдини олиш профилактика тадбири ўтказилмоқда.

Тадбирга раҳбарлик қилиш, Тошкентдаги ички ишлар идораларига профилактика ердами кўрсатиш мақсадида ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари бошчилигида оператив штаб ишлаб турибди. Қўйи бўлиналарда ҳам шунга ўхшаш штаблар ташкил этилган.

Ушбу тадбирни ўтказишдан, энг аввало жиноятчилик динамикаси ва таркибидagi салбий йўналишларни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни бажариш кўзда тутилган. Унда иштирок этаётган шахсий таркибнинг асосий эътибори оператив қизиқиш ўйгатаётган шахсларни аниқлаш, қонунга хилоф равишда сақланаётган қурол-яроқ, ўк дори, портловчи моддалар, наркотик воситаларни тортиб олиш, кидирувда бўлган кишиларни аниқлаб, ушлашга қаратилган оператив-кидирув тадбирлари ўтказишга жалб этилган.

Тадбирда ҳар кун Тошкент шаҳри ва вилояти, нақлиёт милицияси ҳамда вазирликнинг 5 мингдан зиёд ходимлари иштирок этмоқда. Иш кечаю кундуз, уч сменада ташкил этилган. 250 дан ортик автомобил транспорти хизмат кўрсатмоқда.

Тадбир ўтказилаётган биринчи 10 кун ичида 605 та жиноят очилди, 88 та жиноий гуруҳ зарарсизлантирилди, жиноят қилганлиги учун 643 киши, шу жумладан хонадонларга ўғирликка киргани учун 103, оғир тан жароҳати етказганлиги учун 64 киши ушланди. Муайян жиноят содир қилганлиги учун кидирувда бўлган 104 шахс аниқланди ва 7 килограмм ғиёхванд модда тортиб олинди.

Масалан, ИИБ ходимлари 29

ноябрь куни ҳисобда турган И. ва илгари судланган Г. дан 5 килограмм ғиёхванд модда топдилар.

22 ноябрда Мирзо Улуғбек районидagi "Лаззат" кафеси енида номаълум кишилар қундузи Р. Делянчев бошқариб бораётган такси машинасини тўхтатишда ва дўк-пўнса қилиб, шу кун тушган 2000 сўм пулини тортиб олишди. Қўрилган чоралар туфайли ушбу босқинчиликда гумон қилинаётган тўрт киши қўлга олинди.

"КОМПЛЕКС" ШАРТЛИ НОМИ ОСТИДА

23 ноябрда эса худди шу ернинг ўзида Қорасув 1-мавзёдаги етоқхонада яшовчи, 3-босқич талабаси Ю.нинг шахси текширилганда енидан 1,3 килограмм ғиёхванд модда, қўлда ясалган пичоқ ва нунчак чиқди.

27 ноябрда Ҳамза райони худдида ҳайдовчи Б. дан ғиёхванд моддалар, Макаров тўпнотчаси ва унинг ягона ўқи тортиб олинди.

Иқтисодиёт соҳасидagi ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аниқлаш ўтказилаётган тадбирдаги йўналишлардан биридир. Ўтган давр мобайнида 72 марта ўғрилик, 129 марта чайковчилик ва 17 марта савдо қондаларини бузиш ҳоллари очилди. Фақат бир куннинг ўзида — 29 ноябрда Тошкент отчопарида чайковчилик бўйича 14 факт аниқланиб, улар юзасидан жиноий иш қўзғатилди ҳамда 160 минг сўмликдан кўпроқ мол ва қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди.

Шунингдек "Чилонзор" акционерлик жамиятининг уч аъзоси қўлга олинди. Улар "Тошкентвино" комбинатининг ходимлари билан тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлар бўйича умумий нархи 804800 сўм турадиган 4024

шиша арокни чайков баҳосида сотиш учун олиб кетишган.

Ички ишлар идоралари ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам тадбирлар олиб бормоқдалар. Ҳаракат хавфсизлиги қондаларини бузганлиги юзасидан 13601 та баённома тузилди, 9229 ҳайдовчига жами 264245 сўм жарима солинди. 471 ҳайдовчи спиртли ичимлик ичиб, автотранспорт бошқарганлиги учун, 357 ҳайдовчи давлат белгилари бўлмаган

бошқарганликлари учун жазоландилар.

Тадбирни ўтказиш чоғида ички ишлар идоралари ҳисобда турган ва аниқсиз илгари судланган кишиларнинг турмуш тарзига алоҳида эътибор берилмоқда. Фақат маъмурий назорат тўғрисидаги бажарилиши оқибатида 87 киши жазоланди, шу жумладан 48 киши маъмурий назорат остига олинди, 39 кишига жарима солинди, 7 киши устидан республика ЖМ 199-моддасининг 3-банди бўйича жиноий иш қўзғатилди. Умуман шу давр ичида илгари судланган 11039 киши, оилавий турмуш соҳасида қонунни бузган 4421 киши текширилди, 647 дайди ушланиб, қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига юборилди, 83 ғиёхванд, 100 фоҳиша ва 305 арокхўр хибсга олинди.

Паспорт режимига риоя этилишини назорат қилиш учун 135 мингдан ортик хонадон ва шахсий уйлар назоратдан ўтказилди. Паспорт режимини бузган 4937 киши аниқланди. Булардан ташқари 500 та етоқхона ҳам текшириб чиқилди. Жиноятчи шахслар тўпланадиган жойлар ҳам

синчиклаб ўрганилди. Фақат шундай маконларнинг ўзида 2 мингдан ортик киши, шу жумладан 91 ғиёхванд, 298 енгилеок аёл, яшаш ва ишлаш жойининг тайини йўқ 659 киши, шунингдек жамоат тартибини бузган 1500 ортик шахс қўлга олинди. Қонунни бузиши мумкин бўлган 1543 киши расмий равишда огоҳлантирилди.

Халқ хўжалиги объектларини енгиндан муҳофаза қилиш техник жиҳатдан текшириб чиқилди. Фақат Тошкентнинг ўзида 198 объект қўздан кечирилди. Енгиндан муҳофаза қилиш қондаларини бузганлари учун 136 қафар мансабдор шахсга жарима солинди, 216 ҳолда эса енгин чиқиш эҳтимоли бўлганлиги учун бино ва участкалардан фойдаланиш тўхтатиб қўйилди.

Моддий бойликлар сақланадиган 84 та халқ хўжалик объектларининг техник жиҳатдан мустаҳкамлиги тафтиш қилинди ва уларнинг 50 фоизига рухсатнома-паспорт бериш рад этилди.

Шу билан бир вақтнинг ўзида аҳоли орасида ҳуқуқий ташвиқот, профилактика ва қонунбузарликни олдини олиш масалалари юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ўтказилаётган "Комплекс" тадбирининг дастлабки якунлари Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида оператив вазият барқарорлашга етганидан, жиноятчиликка қарши кураш кўрсаткичлари яхшиланаётганлигидан далолат бермоқда.

27 ноябрь куни Самарқандда етти вилоят ички ишлар идораларининг раҳбарлари иштирокида минтақалараро кенгаш ўтказилиб, улар олдида ҳам худди шундай "Комплекс" тадбирини ўтказиш вазифаси қўйилди.

Фаргона водийси ички ишлар идоралари ҳам мана шундай тадбирларни амалга оширмоқдалар.

("Комплекс" тадбири ҳақидаги репортажни газетамизнинг 4-бетида ўқинг.)

СУРАТЛИ ХАБАР

Ургут райони ҳокимлиги ички ишлар бўлими Давлат автомобил назорати бўлинимасининг назоратчиси Маматқул Қодиров ўз касбини пухта билган ва севган ходим сифатида ҳамкасблари ўртасида иззат-ҳурматга сазовор бўлганлардан. Ўз простида доимо сергак. У йўл-транспорт воқеалари содир бўлмаслиги учун бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқда.

Суратда: М. Қодиров ҳайдовчи ҳужжатларини қўздан кечираётган пайт акс эттирилган.

Сурат муаллифи О. Маърупов.



КАМОМАД

Охунбобоев бекатидан Урганч шаҳрига келтирилган еқилгилли цистерналардан бири текширилганда 4 минг 291 килограмм, яъни 159 минг 402 сўмлик "А-76" маркали бензин кам чиқди.

ҲОЗИРЧА БЕДАРАК

Қўкондаги болалар шифохонаси ҳайдовчиси, 1965 йилда туғилган С. исмли йигит ўзига бириктирилган "Нива" белгилли 32-18 ФЕА рақамли автомашинасида чиқиб, дараксиз кетди.

Милиция ходимлари унинг машинасини Ёзевон районидagi Иштихон кишлоғидан топишди. Машина ёндириб юборилган. Ҳайдовчи кидирилмоқда.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Зарбдор районининг "Шарқ юлдузи" давлат хўжалигининг пахта тайерлаш пунктида енгин чиқди. Маълум бўлишча, пахта ортиш транспортерининг электр симлари носоз экан.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР...

Нуробод райони умумий овқатланиш идораси ишчиси, 1966 йилда туғилган Ш. исмли йигит маст ҳолда ҳамқишлоғи — нефть сақлаш омборхонасининг қоровулини пичоқлаб, ўлдириб қўйди. Қотил хибсда.

"МУСТАҚИЛЛИК"ДА БОСҚИНЧИЛИК

Юзига никоҳ қийган тўрт нафар босқинчи Ангор районининг "Мустақиллик" жамоа хўжалигида яшовчи, "Хизмат" кичик корхонасининг сотувчиси хонадонига кириб, рўзгорига ва кичик корхонага тегишли 5 миллион сўмлик буюмларни олиб кетишди. Жиноятчиларни кидириб топиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ҒАРОЙИБ

Қарши шаҳридаги Марказий ДАН пости яқинидан бир донга жанговар граната топилди. Уни ким "унутиб" қолдирган — ҳозирда аниқланмоқда.

КИМ АЙБДОР?

Челак райони Чолмуён кишлоғида жойлашган, Охунбобоев матлубот жамиятига қарашли 10-дўконда электр симларининг носозлиги туфайли енгин чиқди ва 96 квадрат метрли майдон қулга тўлди. Етказилган моддий зарар 350минг сўмни ташкил қилади.

"БЕХУРМАТЛИК" БЎЛДИ...

"Тошкент — Минводо" йўналиши бўйича учувчи самолётга йўловчилар чиқарилаётиб, ғрозийлик меҳмонни бирр дақиқага тўхтатишди. Бекорга эмас экан. Меҳмоннинг енидан 180 грамм қорадори топилди.

ҲОЖАТБАРОРЛИККА ЖАВОБ

Уч йўловчи 7-такси корхонасига қарашли "ГАЗ-24" белгилли 24-77 ТНБ рақамли автомашинани тўхтатишди ва ҳайдовчидан Зангиота районига элтиб қўйишини сўрашди. Илтимос қондирилди. Манзилга етгач, йўловчилар ҳайдовчининг 2 минг сўм пулини, унга қўшиб машинасини ҳам тортиб олишди.

Милиция ходимлари машинани пачоқланган ҳолда топишди. Жиноятчиларнинг эса изига тушилган.

СОҚЧИЛАР БАС КЕЛИШОЛМАДИ

Ҳамза районидagi Лисунов-4 кўчасида жойлашган Ҳамза номли спорт ва соғломлаштириш маркази биносига тун чоғи ўн нафар босқинчи кириб, соқчиларнинг қўл-оёқларини боғлаб ташлашган ва 237 донга енгил автомашинанинг ғилдирақларини юк машинасига ортиб ғойиб бўлишган. Ђилдирақлар ва уларнинг янги эгалари кидирилмоқда.

Т. МУРОДОВ.

Тошкентда ўтказилаётган "Комплекс" тадбири бўйича маълумотдан:

"50 та жиноят содир бўлди, улар асосан ўғрилиқ, босқинчилик ва безориликдан иборат. Битта қотиллик рўй берди. Жиноятларнинг 40 таси фош этилди, шу жумладан 21 таси "излар босилмасдан" очилди. Уларни содир этганлиги учун 32 киши ушланди. Давлат ва шахсий уйлarning 929 тасида паспорт режими текширилиб, унинг давомида 11080 киши қамраб олинди. Турли қонунбузарликлар учун 288 та маъмурий баённомалар тузилди. Илгари судланган 731 киши ва вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ҳисобида турган 442 нафар ўспирин-ёшларнинг турмуш тарзи ва юриш-туриши текширилди. Қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига 29 нафар дайди келтирилди. Оператив тадбирлар билан 186 та иловатхона ва жиноятчилар тўпланадиган 556 та бошқа жойлар қамраб олинди, 168 киши ушланди, 9 киши тери-таносил касалликлари диспансерига жойланди. Қурол ва портловчи моддалар сақланадиган 53 та объект текширилди ва қоида бузилганлиги учун 12 донa қурол олиб қўйилди".

КИШ Тошкентга келишга шошилмаяпти. Шаҳар ИИБ ДАНБ биноси олдида тақсим ўтказилаётган оқшом ҳам илиқ эди. Йўл четида хизмат машиналари турибди, уларнинг енида район ички ишлар бошқармалари ва бўлимларининг навбатчиликка боришга тайёрланаётган ходимлари саф тортишган. Улар алоқа машиналаридан рациялар олишмоқда. Соат миллари еттидан ўтди. Шу пайт буйруқ янграйди ва гуруҳ бошлиқлари ИИБ раҳбарлари тўпланган жойга йигилдилар. Тақсимни бошлиқнинг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Т. Худойбердиев ўтказди. Кун давомида юзага келган оператив вазият ҳақида ахборот берилади. Энг муҳим хабарлар: Сирғали районида номаълум эркак кишининг куйиб кетган жасади топилган, такси ҳайдовчисига қурол билан хужум қилинган, Мирзо Улугбек районидagi икки хонадонда ўғрилиқ содир бўлган. "Тошкент" меҳмонхонасида яшовчи чет эл фуқаросининг сўм ва валютдаги йирик миқдордаги пуллари ўғриланиши юзасидан қидирув ишлари олиб борилиши керак, ўтказилган тафтишлардан бирида икки килограмм гиёҳванд моддалар топилди.

Шундан сўнг қувончи воқеа — бундан аввалги кунларда ўрناق кўрсатганларни мукофотлаш бўлиб ўтди. Муайян жиноятларни очиш бўйича моҳирона ҳаракат қилганликлари учун Тошкент ИИБ ДАНБ йўл-патрул хизматининг катта назоратчиси, милиция лейтенанти М. Холмуродов билан унинг хизматдоши милиция катта сержанти С. Каримовларга саф олдида пул мукофотлари топирилди. Шунингдек, Яккасарой район ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш назоратининг назоратчиси, милиция лейтенанти А. Халилов, шу район ички ишлар бўлими ДАНБ йўл-патрул хизмати назоратчиси, милиция сержанти М. Холматов, шаҳар ИИБ профилактика хизмати бошқармасининг назоратчилари, милиция капитани А. Тўрабеков ҳамда милиция лейтенанти Э. Қодировлар ҳам рағбатлантирилдилар.

Шундан сўнг навбатчиликка чиқаётган автопатрул экипажларига охириги кўрсатмалар берилди, улар назорат қилишлари керак бўлган энг маъқул йўллар белгиланди, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслар ҳақидаги батафсил маълумотлар уларнинг қўлларида эди.

Илгарилари ўтказилган оператив тадбирлар чоғида яхши натижа бўлиб қолган ИИБ жамоат тартибини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Расуловнинг ёнига келдим. У вазиятни жуда яхши билганлиги учун бугун мен журналист сифатида қаерда бўлишим маъқулроқ эканлигини сўрадим.

— Яхшиси биринчи Юнусобод шаҳар милиция бўлимига боринг, — деди у дарҳол. — Бугун кундузи у ерда анча-мунча воқеалар бўлиб ўтди, кечаси ҳам бирор ҳодиса юз

бериши ҳеч гап эмас.

Бундай мутахассис бекорчи маслаҳат бермайди. Машинага ўтириб, йўлга чиқдик. Ҳали транспорт оқими анча тигиз, одамлар ишдан қайтишмоқда. Шаҳар марказида ҳам, Юнусобод мавзегига яқинлашиб қолганимизда ҳам патрул машиналари ва пиёда милиция нарядлари тез-тез учраётганига эътибор бердим. Бу тушунарли эди: милиция учун энг жиддий пайт.

Юнусобод райони ИИБ қошидаги биринчи милиция бўлими биносига етиб келдик. Кираверишда унинг бошлиғи, милиция подполковниги М. Раҳимов билан танишдик. Гарчи, у хорғин кўринса ҳам кўзларидан мамнунлиги сезилиб турибди. Бунинг сабабини



кейин тангладим кун кўнгилдагидай яқунланаётган экан.

Унинг хонасига кирдик. Бу ерда суҳбатлашиш анча мураккаб эди: зум ўтмай дам у телефон, дам бу телефон жиринглайди, ланг очик эшикдан ҳар дақиқада ходимлар кириб, вазият ҳақида ахборот беришади ва кўрсатма олиб, чикиб кетишади.

— Ҳа, бугун анча алғов-далғов бўлди, эътибор берманг, — деди у менга. — Хўш, нимадан бошлаймиз? Келинг, бир бошдан гапира қолай. Бизнинг бўлимибиз Юнусобод мавзегига хизмат кўрсатади. 83 нафар ходимимиз бор. "Комплекс" тадбирини шаҳар ИИБ профилактика хизмати бошқармаси, ИИБ ва алоҳида милиция батальонидан юборилган кучлар билан бирга ўтказаямиз. Ортиқча камтаринлик қилмай айтиб қўя қолай-кейинги бир неча кун мобайнида анча самарали ишляймиз. Сўнгги кунларда очилмай қолган жиноятлар йўқ. Бугунги кун бунга яққол мисол бўла олади. У ҳали тугагани йўқ. Лекин спорт тили билан гапирадиган бўлсак, ҳисоб 8:8, яъни қанча жиноят содир этилган бўлса, ҳаммаси очилди.

Суҳбатдошимдан улар ҳақида батафсилроқ гапириб беришни илтимос қилдим.

— Автопатрул анча одам тўпланиб турган бекат енидан ўтаётди, аёл кишининг бақирган овозини эшитиб қолади. Ходимлар машинани тўхтатганларида, оломон ичида яшириниш учун югуриб кетаётган йигитчага кўзлари тушади. У одамлар орасидан ериб ўтиб, яшириниши осон бўлган турар-жой биноларига яқинлашиб қолганди. Лекин бу сафарги югуриш мусобақасида милиция ходимлари ғолиб чиқишди. Йигитчани ушлаб, гап нимадалигини аниқлай бошлашди. Сирғали районида яшайдиган Евгений З. исмли бу шахс кекса аёлнинг қулоғидан зирагини юлиб олиб, унга жароҳат етказган. Тафтиш қилинганда, унинг енидан зирак чиқмади, лекин қочаётиб ташлаб юборилган пичоғи топилди. Гапираётганда йўталиши, овози хириллаб чиқаётганлиги шубҳа тудирди. Баённома тузилгандан сўнг уни яқиндаги поликлиникага олиб бориб, рентгенга солиниб, сурати олинди. Ҳаммасини тушунган бўлсангиз керак. Ҳа, у зиракни ютиб юборган экан. Лекин зирак ошқозонга тушмай, ярим йўлда тикилиб қолган. Мавзудан бир оз

четга чиқсам ҳам айтишим мумкин: мен вақтинча сақлаш изоляторига бўлиб, Евгений билан учрашдим. Аҳволи ҳар томонлама чатоқ соғлигини тўғрилаб олар. Аммо келажак тақдири ҳақида бир нарсa дейиш мушкул — илгари судланган, бунинг устига кўчада пичоқ билан юрибди.

...Ўн тўққизинчи даҳада фуқаро аёл В. Лининг қўлидаги сумкасини юлиб олиб, велосипедда қочиб кетишга уринган ўн беш ёшли Дамир К. ушланди. Алоҳида милиция батальони ходимлари уни машинада қувиб, ашёвий далил билан қўлга олишган. Дарвоқе, бу йигитча шунга ўхшаш яна учта жиноят қилганликда шубҳаланилмоқда. Чунончи,

экан, майор пойфалдан қолган изга аҳамият берди. У жиноятчиға тегишли бўлиши мумкин. Хонага ҳеч кимни киритмай, хизмат итини изга солишни буюрди. Ит милиция ходимларини аввал ўғри буюмларни қолдирган жойга, сўнг унинг хонадонига олиб келди. Ҳаммаси криминалистика ўқув қўлланмасидагидек рўй берди. Дарвоқе, кечкурун биз ҳам бу хонадонда бўлдик. Гап шундаки, деярли бир кеча-кундуздан бери бу ерда милиция ходимлари пистирмада туришибди. Ўғри бирор нарсани сезган бўлса керак, қочиб кетганга ўхшайди. Лекин узоққа бора олармикан?

Терговчининг хонасида сўроқ кетмоқда. Қўринишдан ўн етти ёшлардаги йигитча курсида бошини ҳам қилиб ўтирибди. Саволларга дўйиллаган товушда жавоб қайтармоқда.

— Сени бу ерга нима учун олиб келишди?
— Хонадонга ўғрилиққа тушганим учун.
— Воқеа қандай бўлганини айтиб бер-чи.
— Ҳаммаси тез рўй берди, истак пайдо бўлувди, хонага кириб, қўлга тушган нарсаларни олиб кетавердик.

— Қандай қилиб кирдинглар?
— Эшик яхши эпилмаган экан.
— Илгари ҳам шундай жиноят қилганмисан?
— Йўқ, бунақасини биринчи марта қилишим.

— Сени нима кутаётганини биласанми?
— Ҳамма ўрилар каби қамашса керак.
— Ўғрилиқни олдиндан ўйлаб қилдингми?
— Йўқ десам ҳам бўлади. Маст эдик, нима қилаётганимизни билмасдик.

— Ишлайсанми?
— Кичик корхонада пайвандчи бўлиб ишлайман.

— Ота-онанг борми?
— Бор.
— Улар ҳам ишлашадими?
— Онам ишлайди, отам ишламайди.
— Сента нима етишмасди?
— Ҳамма нарсa етарли эди, фақат ақлим камроққа ўхшайди.

— Биринчи марта жиноят қилишим дейсанми?

— Ўтган йили машина ўғирлаб кетишга уринганим учун ушлаган. Икки йилга шартли жазо беришганди.

— Ўшанда ўзингни қандай тутишинг кераклигини тушунтиришгандир?

— Ҳаммасини тушунтиришганди. Ҳеч кимни айбламайман, фақат ўзим айбдорман.

Сўроқ давом этарди, лекин шундоқ ҳам бу йигитга энди огоҳлантирувчи жазо берилмаслиги маълум бўлиб қолганди.

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш хизматининг рухсат бериш тизими катта назоратчиси, милиция лейтенанти Х. Файзиевнинг тақлифига биноан қатнов анча камайиб қолган йўлдан Юнусобод райони ИИБга келдик. У сақлаш қондалари бузилганлиги учун тортиб олинган қуроллар сақланадиган хона эшигини очди. Қуроллар 12 донa экан. Асосан ов милтиқлари.

— Қуролга бугунги кунда алоҳида муносабатда бўлиш керак, — дейди назоратчи. — Афсуски, уларнинг эгаларидан кўплари буни тушунишмайди ва уларни темир сандиқларда сақлашмайди, баъзан эса танишларига бериб юбораверишади. Шундай экан, ишончлироқ жойда, яъни бизда тургани маъқул.

Машинамиздаги рациядан турли-туман хабарлар, патрулларнинг ўзаро гаплари тинимсиз эшитилиб турибди. Подполковник Ш. Расулов улардан қулогини узмай суҳбатимизни давом эттирди.

— Хонадон ўғриликлари яна кўпайиб кетди, — дейди у. — Лекин бир томони қизиқ. Жабранувчилар баъзи ҳолларда бизга ўғрилиқ ҳақида ўз вақтида хабар қилишмайди, айримлари эса буни "эсдан чиқариб қўядилар". Изоҳ битта: кейин қақиравериб безор қилишларидан қўрқишади. Чилонзор бўйича яқиндаги фактларни олиб кўрайлик. Учта ўғрилиқни оператив ходимлар жабранлангандан ўз вақтида хабар олганлари туфайлигина очишга муваффақ бўлишди. Шундай экан, бундай ҳолларда зудлик билан милицияга хабар қилиш керак. Фуқаролардан ички ишлар идораларига тушган ҳеч бир хабар эътиборсиз қолдирилмайди, улар бўйича албатта тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Нима ҳам дердик, фойдали, бунинг устига долзарб маслаҳат.

Тун ярмидан ошди. Шаҳар тинчиб, уйкуга кетгандай. Йўқ, Мирзо Улугбек районидан янги хабар келди. Ичиб олган икки безори ушланган, текширилганда уларнинг биридан оз миқдорда нашага ўхшаш гиёҳванд модда топилган. Демак, шаҳардаги оёсийиштаклики нисбий деб тушуниш керак.

А. ВОРГУДЯЕВ.

СУРАТЛАРДА: "Комплекс" тадбири ўтказилаётган пайтда қўлга туширилган ашёвий далиллар.

Сураткаш И. ГАМБУРСКИЙ.



